



ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Ахмедов Баходир Бахриддинович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8164322>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2023

Accepted: 15th July 2023

Online: 19th July 2023

KEY WORDS

Ярашув институти, етказилган зарар, суриштирувчи, терговчи, суд.

ABSTRACT

Ушбу мақолада жиноят ишени юретишда ярашув институтини қўллашда етказилган зарарни аниқлаш, бартараф этишга оид айрим олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, ярашув институтини қўллашда етказилган зарарни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тергов амалиётида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ёритилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсоннинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги масъулиятини оширишдан иборатдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январидagi “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида амалга оширилиши лозим бўлган устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлигини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш эканлиги кўрсатиб ўтилган [1].

Жамиятимизда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда жиноят қонунчилигига 2001 йилда киритилган ярашув институтини ўрни беқиёсдир. Яъни, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилиши натижасида томонларнинг ўзаро келишиб, бир-бирларини кечирганлиги, етказилган зарарни бартараф этганлиги, айбига иқрорлиги бўйича қўлланиладиган ярашув институти ота-боболаримиздан бизга азал-азалдан мерос бўлиб келган кечиримлилик, инсонпарварлик туйғуларини яққол тимсолидир. Шундай экан, бугунги кунда жиноят ишларини юретишда ярашув институтини кенг миқёсда қўллаш процесс иштирокчиларини ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга, судланганлик ҳолатини камайтиришга хизмат қилади ҳамда ярашув институтини қўллаши мумкин бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари мансабдор шахслари томонидан қисқа муддатларда жиноят ишлари бўйича қонуний қарор қабул қилишга эришилади. Бу эса ўз навбатида процесс иштирокчиларини ортиқча



сарсонгарчилигини олдини олади, уларни давлатга ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган ишончини янада орттиради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида жиноят таркиблари рўйхатида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Жиноят ишларини юритишга масъул бўлган мансабдор шахс яъни, суриштирувчи ёки терговчи жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш учун жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида қайд этилган қуйидаги ҳолатларни исботлаши шарт ҳисобланади:

- а) содир этилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасида қайд этилган бўлиши;
- б) жиноят содир этган шахснинг жабрланувчи билан ярашиши;
- в) жиноят содир этган шахснинг жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)га етказилган зарарни бартараф этиши;
- г) жиноятни содир этган шахснинг ўз айбига иқрор бўлиши.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига асосан ярашув институти қўлланилиши мумкин бўлган жиноят ишларини тергов қилишда жабрланувчига етказилган зарарни қопланиши энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Жабрланувчи содир этилган жиноят натижасида бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклашни ва етказилган зарарни қопланишини сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилади. Жиноят ишларини тергов қилиш давомида жабрланувчининг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, етказилган зарар қопланган тақдирда жиноят содир қилган шахсга нисбатан кўп ҳолларда даъвоси бўлмайдди. Зарар миқдори жиноят-процессуал ва судга оид экспертиза тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ судга оид баҳолаш экспертизаларини тайинлаш орқали аниқланади.

Баданга шикаст етказиш билан боғлиқ жиноятларда зарар миқдори жабрланувчиларни шифохонада даволанишга кетган харажатлари ҳисобидан аниқланса, бошқа турдаги жиноятларда, масалан йўл-транспорт ҳодисаси ва мулкни қасддан нобуд қилиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда транспорт воситаларига ва нарса, буюмларга етказилган зарарни аниқлаш мақсадида судга оид баҳолаш экспертизаси тайинланиб, экспертиза хулосаси орқали етказилган зарар миқдори аниқланади. Кўп ҳолларда судга оид баҳолаш экспертизаси хулосаларида кўрсатилган зарар миқдори жабрланувчини қониқтирмайдди ва шу сабабдан гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан етказилган зарар жабрланувчи белгилаган зарар миқдоридан келиб чиқиб қопланади. Етказилган зарарни қопланиши жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларида кўрсатиб ўтилган бўлсада, бироқ қандай тартибда қопланиши белгиланмаган. Шу боис ҳам жиноят ишларини юритишда тергов амалиётида жабрланувчиларга етказилган зарарни қопланиши бўйича турли хил амалиёт мавжуд (мисол учун хизмат хонасида айбланувчининг етказилган зарарни жабрланувчига миллий пул валютаси (сўм) ҳисобида қоплаши ёки ички ишлар органи биносининг ташқарисида зарарни қопланиши бўйича айбланувчи ва жабрланувчиларга шароит яратиб бериш ёхуд жабрланувчи томонидан зарар



қопланганлиги бўйича ёзилган тилхатни жиноят иши ҳужжатларига қўшиб қўйилиши ва ҳ.к.).

Содир этилган жиноят натижасида етказилган зарарни аниқлаш, бартараф этиш бўйича бир қатор олимлар турли хил фикр-мулоҳазаларни билдирган. Жумладан, С. Низамовнинг фикрича, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш учун айбдор шахс томонидан жабрланувчига етказилган жисмоний, маънавий ва мулкӣ зарар тўла қопланган бўлиши керак [2].

Б. Ахраров, М. Усмоналиев, П. Бакунов ва С.М. Саҳаддиновлар эса жабрланувчига етказилган зарар қандай шаклда қопланишидан қатъи назар, унинг миқдори етказилган зарардан кам бўлмаслиги шарт деб таъкидлаганлар [3].

Юқоридаги олимлардан фарқли ўлароқ, Р.К. Плисконинг фикрича, жабрланувчи жиноят туфайли етказилган зарарнинг миқдорига нисбатан катта миқдордаги зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас [4].

Б.Б. Муродов эса яраштирув ишлари юзасидан етказилган зарарни қоплашнинг шакли жабрланувчининг ихтиёридан келиб чиқиб ҳал этилиши зарур, шунингдек, етказилган зарарни қоплашда миқдор билан боғлиқ масалани ҳам худди шундай ҳал этиш лозим деган бошқа ғояни илгари сурган [5].

Юқоридаги олимларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда жиноят ишларини юритишда етказилган зарарнинг миқдори судга оид баҳолаш экспертизаси тайинлаш орқали аниқланади, экспертиза ҳулосасида етказилган зарарни аниқ миқдори иш юритилаётган даврда бозор нархидан келиб чиқиб белгиланади. Шу боис, етказилган зарарни бартараф этишда айнан жабрланувчи томонидан талаб этилган зарарнинг миқдори эмас, балки судга оид баҳолаш экспертизаси ҳулосасида келтириб ўтилган миқдорни инобатга олиш лозим бўлади.

Айрим ҳолларда жиноят иши юритилаётганда гумон қилинувчи, айбланувчилар томонидан жабрланувчиларга етказилган зарарни келгусида қоплаб беришликни ваъда бериб, ундан гўёки зарарни қоплаб берганлиги бўйича тилхат олишликка эришиб, бунинг натижасида суд босқичида ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиб, кейинчалик жабрланувчиларга берган ваъдасини устидан чиқмасдан етказилган зарарни қопламай келаётганлиги сабабли жабрланувчилар томонидан етказилган зарарни ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳолатлари кузатилади.

Ярашув туфайли жавобгарликдан озод бўлган шахснинг ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги туфайли маълум бир муддат ўтиб, қайта жавобгарликка тортилиши мақсадга мувофиқ эмас. Айбланувчи ўзига юклатилган мажбуриятини бажармаса ёки бажаришдан бўйин товласа, жабрланувчи суднинг ярашув бўйича чиқарган ажримини асос қилган ҳолда даъво аризаси билан фуқаролик судига мурожаат этиб, айбланувчи тўлаши лозим бўлган қийматдаги пулни ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлишлиги лозим [5].

Фикримизча, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчилар томонидан жабрланувчилар ёки уларнинг қонуний вакилларига келгусида етказилган зарарни қоплаб беришлиги бўйича ваъда бериб, алдов йўллари орқали жиноят иши бўйича ярашувга эришиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида ишни судга қадар юритиш



босқичида ҳамда суд босқичида ярашув институтини қўлланилиши мумкин бўлган жиноят ишлари бўйича айбланувчининг жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш истагини билдирган вақтида, уларга ЖПКда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда ярашув институтини мазмун-моҳиятини тушунтириб, зарарни қоплаш жараёнларини видеотасвирга олган ҳолда суриштирувчи ва терговчилар томонидан зарарни қоплаш баённомасига, суд эса суд мажлис баённомасига расмийлаштириши лозим бўлади. Шу орқали жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг етказилган зарарни бартараф этилганлигига ва суд босқичида процесс иштирокчиларининг ушбу масалада фикрлари ўзгариб қолмаслигига ишончи бўлади. Чунки, мансабдор шахс қабул қилган ярашув қарори келгусида суд томонидан бекор бўлмаслигига замин яратади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур ҳолатлар жиноят-процессуал қонунчилигида ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мазкур таклиф келгусида давлат ва жамият манфаатлари учун хизмат қилади. Ўз навбатида жабрланувчи ва унинг қонуний вакилларини ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминланишига эришилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ60-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/5841063> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.06.2023 й)
2. Низамов С.М. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича дастлабки тергов органлари фаолиятини ташкил этиш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 14-15.
3. *Пайзиев Д.Ю.* “Ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институтини такомиллаштириш” юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация Т.,2021,Б- 78
4. Плиско Р.К. Освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением с потерпевшим: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Владивосток, 2009.Б – 29 .
5. Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш: назария ва амалиёт. Монография. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. Б.115,